2025 ЙИЛ – АТРОФ-МУҲИТНИ АСРАШ ВА “ЯШИЛ ИҚТИСОДИЁТ” ЙИЛИ

TOSHKENT HAQIQATI

HAQSEVAR ONA YURT, MANGU BO`L OBOD!

@haqiqatonline_24 Haqiqat online haqiqatonline_

Viloyat ijtimoiy-siyosiy gazetasi

1928-yil 11-dekabrda asos solingan

2024-yil 23-noyabr / SHANBA / № 93 (13752)

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНИМИЗ ЯНГИ ПАРЛАМЕНТИ БИЛАН БИРГА ЎЗ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ ҲАЛ ҚИЛУВЧИ БОСҚИЧИГА ҚАДАМ ҚЎЙМОҚДА

Айни кунларда мамлакатимизда муҳим сиёсий жараёнлар кечмоқда. Яқинда бўлиб ўтган сайловлар натижаси бўйича янги парламент шаклланди.

20 ноябрь куни Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Ўзбекистон Республикаси Бош вазири номзодини кўриб чиқишга бағишланган мажлиси ўтказилди.

Йиғилишни Қонунчилик палатаси Спикери Нуриддин Исмоилов олиб борди.

Ўзбекистон Республикасининг давлат мадҳияси ижро этилди.

Янгиланган Конституциямизнинг 94-моддасига кўра, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири номзодини кўриб чиқиш ва маъқуллаш Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг мутлақ ваколатларига киради. 118-моддага кўра, Бош вазир номзоди Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тақдим этилади.

Шу муносабат билан мажлисда Президент Шавкат Мирзиёев нутқ сўзлади.

– Мамлакатимиз ўз олдига қўйган стратегик ва жорий вазифаларни амалга оширишда, барча бўғиндаги ижро органлари, аввало, ҳукумат ва унинг раҳбари зиммасидаги масъулият ҳозирги мураккаб замонда ҳар қачонгидан ҳам ортиб бормоқда. Халқимиз бугун янги ҳукуматдан аниқ натижаларни кутмоқда, – деди Шавкат Мирзиёев.

Давлатимиз раҳбари, аввало, ўтган беш йилдаги дастурлар ижросига тўхталиб ўтди. Бу даврда мамлакатимиз иқтисодиёти 2 карра ўсиб, 100 миллиард долларлик тарихий маррадан ошди. Аҳоли жон бошига даромад 3 минг долларга етиши кутилмоқда.

Экспорт қарийб 2 баробар ўсиб, илк бор 25 миллиард доллардан, олтин-валюта захиралари эса 40 миллиард доллардан ошди. Ўзлаштирилган хорижий инвестициялар ҳажми 6 карра кўпайиб, бунинг ҳисобига 1,5 миллионта юқори даромадли иш ўринлари яратилди.

Сўнгги уч йилда умумий қуввати 2,4 гигаватт бўлган 9 та йирик қуёш ва шамол станциялари ишга туширилди. Муқобил энергия улуши ўтган йилга нисбатан 2 баробар кўпайди.

Мактабгача таълимда қамров



74 фоиздан, олий таълимда эса 39 фоиздан ошди. Барча ҳудудларда “Инсон марказлари” очилиб, ижтимоий ходимлар томонидан бевосита маҳаллаларда аҳолига 100 дан ортиқ ижтимоий хизматлар кўрсатиш йўлга қўйилди.

(Давоми 3-саҳифада)

ПРЕЗИДЕНТ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ВАЗИРИ НОМЗОДИНИ КЎРИБ ЧИҚИШГА БАҒИШЛАНГАН МАЖЛИСИДАГИ НУТҚИ

Ассалому алайкум, ҳурматли депутатлар!

Қадрли мажлис иштирокчилари!

Бугун янгиланган Конституциямизга мувофиқ, илк бор қуйи палатада Бош вазир лавозимига номзод ва Ҳукуматнинг келгуси 5 йилга мўлжалланган Ҳаракатлар дастурини кўриб чиқиб, тегишли қарор қабул қилишимиз зарур.

Бу масаланинг нақадар муҳимлиги, ўйлайманки, ҳаммамизга яхши аён. Нега деганда, мамлакатимиз ўз олдига қўйган стратегик ва жорий вазифаларни амалга оширишда, барча бўғиндаги ижро органлари, аввало, Ҳукумат ва унинг раҳбари зиммасидаги масъулият ҳозирги мураккаб замонда ҳар қачонгидан ҳам ортиб бормоқда.

Шу билан бирга, бугун мутлақо янги ваколат ва вазифаларга эга бўлган Ҳукумат шаклланмоқда. Бу фикрни Конституция даражасида биринчи марта камбағалликни қисқартириш, озиқ-овқат хавфсизлиги, инвестиция, экология каби муҳим йўналишларда Вазирлар Маҳкамасининг мажбуриятлари белгилаб қўйилгани ҳам тасдиқлайди.

Халқимиз бугун ана шундай ҳал қилувчи масалалар бўйича янги Ҳукуматдан аниқ натижаларни кутмоқда.

Асосий масалага ўтишдан олдин ўтган 5 йилда ҳар томонлама пухта ўйлаб қабул қилинган дастурлар ижроси қандай таъминлангани ҳақида тўхталиб ўтмоқчиман.

Аввало, иқтисодиётимиз 2 карра ўсиб, 100 миллиард долларлик тарихий маррадан ошди. Аҳоли жон бошига даромад 2018 йилдаги 1 минг 600 доллардан 3 минг долларга етиши кутилмоқда. Жаҳон банки 2024 йилда Ўзбекистон Европа ва Марказий Осиёда иқтисодиёти энг тез ўсаётган 3 та давлат қаторидан жой олганини эътироф этди. Камбағаллик даражаси сўнгги 4 йилда 23 фоиздан 11 фоизга тушди. Бу йил яна 106 минг оила камбағалликдан чиқарилиб, 9 фоизга тушиши кутилмоқда.

Экспорт қарийб 2 баробар ўсиб, илк бор 25 миллиард доллардан, олтин-валюта захираларимиз эса 40 миллиард доллардан ошди. Ўзлаштирилган хорижий инвестициялар ҳажми 6 карра кўпайиб, бунинг ҳисобига 1,5 миллион юқори даромадли иш ўринлари яратилди. Ялпи ички маҳсулотда инвестициялар улуши 30 фоиз даражасида таъминлангани иқтисодиётимиз ривожи учун келгуси йилларда ҳам мустаҳкам замин яратмоқда.

Илгари тўлиқ давлат тасарруфида бўлган соҳалар, яъни, энергетика, кимё, авиация, геология, металлургия, машинасозлик, таълим ва тиббиётда хусусий сектор ва давлат-хусусий шериклик муносабатларига кенг йўл очганимиз уларнинг ривожида кучли омил бўлди.

Айниқса, энергетика соҳасида том маънода тарихий ишлар амалга оширилмоқда. Ишлаб чиқарилаётган электр энергияси ҳажми 1,5 карра ўсиб, 80 миллиард киловатт-соатга етгани ҳам буни яққол кўрсатиб турибди. Сўнгги уч йилда умумий қуввати 2,4 гигаватт бўлган 9 та йирик қуёш ва шамол станциялари ишга туширилди. Муқобил энергия улуши ўтган йилга нисбатан 2 баробар кўпайди.

Яна бир муҳим ўзгаришга эътиборингизни қаратмоқчиман. Ўтган даврда 25 мингдан зиёд хусусий боғча, 70 га яқин нодавлат олийгоҳи ташкил этилиб, қамров мактабгача таълимда – 74 фоиздан, олий таълимда эса – 39 фоиздан ошди.

Ижтимоий хизматлар тизимида ҳам катта ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Барча ҳудудларда “Инсон” марказлари очилиб, ижтимоий ходимлар томонидан бевосита маҳаллаларда аҳолига 100 дан ортиқ ижтимоий хизматлар кўрсатиш йўлга қўйилди.

Парижда бўлиб ўтган Олимпия ва Паралимпия ўйинларида азму шижоатли спортчиларимиз чинакам рекорд натижаларни қайд этиб, жами 39 та медаль, жумладан, 18 та олтин медални қўлга киритдилар. Ўзбекистон тарихида илгари ҳеч қачон бўлмаган бундай ютуқлар барчамизга янги куч-ғайрат бахш этиши табиийдир.

Ҳурматли йиғилиш қатнашчилари!

Жаҳон миқёсида ҳукм сураётган бугунги ўта кескин ва оғир шароитда юртимизда тинчлик ва ҳамжиҳатликни сақлаб, иқтисодиётимизда барқарор ўсишни таъминлаб, мана шундай марраларга эришиш осон бўлмаганини барчамиз яхши тушунамиз.

Мана, ўзингиз кўряпсиз, аҳолимиз 37 миллиондан ошди. Келгуси 5 йилда эса, Худо хоҳласа, 40 миллиондан ортиши кутилмоқда. Бундай демографик ўсиш, албатта, катта имконият, лекин, шу билан бирга, бу ҳолат олдимизга янги-янги, ўткир вазифаларни қўйиши ҳам шубҳасиз.

(Давоми 2-саҳифада)

“Тошкент ҳақиқати” минбари

Қибрайда бир юзу саксон мингга яқин аҳоли истиқомат қилади. Туманда ҳоким сифатида фаолият бошлаганимга эндигина бир йилдан ошди. Бу муддат мен учун ўзига хос тажриба ва синов палласи бўлди, десам янглишмайман.

Ишни биринчи кунданоқ сектор раҳбарлари ва ҳокимлик мутасаддилари, фаоллар, ёшлар ва нуронийлар билан баҳамжиҳатликда аҳоли билан яқин мулоқот ўрнатиш, уларнинг қувонч ва ташвишлари, орзу ва мақсадларини яқиндан билиш ниятида маҳаллаларда сайёр қабуллар ўтказишдан бошладик. Бу билан ҳам ҳудудни ўргандик, ҳам жойлардаги мавжуд муаммоларни таҳлил қилиб олдик, шу асосда фаолиятимиз мезонларини белгиладик. Шу чоққача эришилган натижаларни янада яхшилаш, аҳоли сони тобора ўсиб бораётган бугунги кунда янада кўпроқ самарадорликка эришиш пировард мақсадга айланди.

Қибрай тумани: БИРДАМЛИК БИЛАН ЯНГИ МАРРАЛАР САРИ

ТУМАНИМИЗ РАВНАҚИ УЧУН МУҲИМ ҚАРОР

Биласиз, Қибрай пойтахтга туташ туман. Очиғини айтиш керакки, унинг маркази ижтимоий-иқтисодий жабҳаларда нисбатан анчайин олдинда бўлишига қарамай, бошқа ҳудудларда йиллар давомида тўпланиб қолган муаммолар етарлича. Шу боис, катта аудиторияга эга бу минбардан туриб, ундай қилдик, бундай қилдик, мана бу ишни қойиллатдик, дейишга ҳали эрта.

Мамлакатимизнинг асосий бойлиги – бу шубҳасиз, азму шижоатли, меҳнаткаш ва танти халқимиздир. Нимаики вазифани амалга ошираётган бўлсак, аввало, халқимиз манфаати йўлида, унинг кўз ўнгида, шаффоф ҳолда бажаришимиз шарт. Шу маънода, ушбу фурсатдан фойдаланиб, эришилган ютуқларимиз билан бирга, олдимизда турган долзарб вазифалар ижроси, режа ва мақсадларимиз билан бўлишсак, ўйлаймизки, тўғри бўлади.



Музаффар РАШИДОВ, Қибрай тумани ҳокими

Аввало, макроиқтисодий кўрсаткичларимиз бу борада умумий манзарани ифода эта олади. Жорий йилнинг 9 ойида мавжуд имкониятлардан фойдаланиб, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръати 112,8 фоизга бажарилди. Хизмат кўрсатиш соҳасида бу кўрсаткич 112,7 фоизни ташкил этди. Қурилишнинг ўсиш суръатлари 107,3 фоизга таъминланди.

Жорий йилнинг 4-чорагида 22,4 млн. долларлик хорижий инвестициялар ўзлаштирилиши режалаштирилган. Бу маблағлар эвазига 9 та лойиҳа ишга туширилиб, 610 та янги иш ўринлари яратилади. Биргина “SALAR MEAT PRODUCT” хусусий корхонаси томонидан “Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш” лойиҳасининг ишга туширилиши натижасида қўшимча 308 та янги иш ўрнига эга бўламиз.



Вилоят бўйлаб



“NURAFSHON BUSINESS CITY” ҳудудидаги 8 гектар ер майдонида вилоят мактабгача ва мактаб таълими ходимлари учун Малака ошириш институти (Тошкент вилояти педагогик маҳорат маркази) қурилмоқда. Мажмуа маъмурий ҳамда 650 ўринли ўқув бинолари, 200 ўринли ётоқхона, 100 ўринли ошхона, дам олиш ҳудудларидан иборат бўлади.



ОЛМАЛИҚ кон-металлургия комбинати ўз акциялари пакетининг қарийб 25 фоизини 12,2 триллион сўмга баҳолаб, Тикланиш ва тараққиёт жамғармасига ўтказди. “Ёшлик-1” конини ўзлаштириш лойиҳаси учун тақдим этилган 1 миллиард долларлик маблағ юзасидан жамғарма билан шу тарзда ҳисоб-китоб қилинди.



ОҲАНГАРОН тумани масъуллари Болгария ишбилармонлар ассоциацияси президенти В. Халачев билан учрашди. Мулоқотда ҳудудда водород қозон ускуналари ишлаб чиқарадиган қўшма завод қуриш ва тоғли ҳудудлардаги беморларни вертолётда ташиш хизмати марказини ташкил этиш бўйича музокаралар ўтказилди.



ЧИРЧИҚ технопаркида қоғоз, плёнка ва декоратив пластик маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган қўшма корхона фаолиятини бошлади. Ўзбекистон – Россия ҳамкорлигидаги мазкур лойиҳанинг умумий қиймати 1,3 млн. доллар бўлиб, корхонада 50 та иш ўрни яратилди. Ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг йиллик таннархи 80 млрд. сўмга баҳоланмоқда.



ТОШКЕНТ туманида иш фаолиятида юқори натижаларга эришган 4 нафар ёшлар етакчиларининг оналарига вилоят ҳокими Зойир Мирзаевнинг ташаккурномаси топширилди.



ПРЕЗИДЕНТ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ВАЗИРИ НОМЗОДИНИ КЎРИБ ЧИҚИШГА БАҒИШЛАНГАН МАЖЛИСИДАГИ НУТҚИ

Айниқса, камбағалликни қисқартириш, экология, энергетика, транспорт, йўл, ичимлик суви таъминоти, аҳолини уй-жой билан таъминлаш каби муҳим соҳаларда халқимизнинг талаб ва эҳтиёжлари тобора ўсиб бормоқда.

Ана шундай долзарб муаммоларга самарали ечимлар топиб, янгича фаолият олиб бориш Ҳукумат учун жиддий синов бўлиши табиий, албатта. Бугун Бош вазир лавозимига тавсия этиладиган номзод ана шу масалаларнинг барчасини ҳисобга олиб, уларнинг ижросини таъминлаш юзасидан ўз дастурини тақдим этади.

Муҳтарам дўстлар!

Биз “Ўзбекистон – 2030” стратегиясида келгуси йиллар учун катта марраларни белгилаб олганимиздан хабарингиз бор. Хусусан, мамлакатимиз ялпи ички маҳсулоти ҳажмини 160 миллиард долларга етказишни мақсад қилиб қўйган эдик.

Очиқ айтиш керак, дастлаб бунга айрим кишилар шубҳа ёки иккиланиш билан қарагани ҳам бор гап. Лекин ўз вақтида зарур чора-тадбирларни амалга оширганимиз, барча имкониятларни ишга солганимиз туфайли бу йилнинг ўзида ялпи ички маҳсулотимиз ҳажми 110 миллиард долларга етиши кутилмоқда.

Янги Ҳукумат, барча раҳбарлар биргаликда қаттиқ ишлаб, ислоҳотларимиз шиддатини пасайтирмасдан, ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий ҳаётимиздаги ўзгаришларни жадал давом эттирсак, 2030 йилга бориб, иқтисодиётимиз ҳажмини 200 миллиард долларга етказа олишимизга мен албатта ишонаман.

Тўғри, бу кичкина рақам эмас. Лекин эришса бўладиган марра. Бу натижани таъминлаш орқали аҳолининг турмуш даражаси ва сифатини кескин яхшилашга эришамиз. Хусусан, аҳоли жон бошига даромадларни 5 минг долдлардан ошириш, камбағаллик даражасини 5 фоизга тушириб, эҳтиёжманд аҳоли учун мустаҳкам ижтимоий суғурта тизимини жорий этиш, тиббиётга ажратилаётган маблағларни 2 баробар кўпайтириб, тиббий суғурта тизимига ўтиш ва кафолатланган тиббий хизматлар билан тўлиқ қамровни таъминлаш, йилига 150 минг квартирали янги замонавий уй-жойларни барпо этиш имконияти яратилади.

Яна бир бор айтаман, бундай натижаларга эришиш учун куч ва имкониятимиз ҳам, салоҳиятимиз ҳам етади.

Бу борада энг муҳим йўналишларга эътиборингизни қаратмоқчиман.

Биринчидан, макроиқтисодий мувозанатни сақлаб, келгуси беш йилда иқтисодий ўсиш суръатини 6-7 фоиз атрофида таъминлашимиз зарур.

Бунда инфляция даражаси 5-6 фоиз, бюджет тақчиллиги 3 фоиз доирасида бўлишига эришиш, йиллик кредитлаш ҳажмини 30 миллиард долларга олиб чиқиш асосий вазифа бўлади.

Ушбу даврда Ҳукумат камида 100 миллиард долларлик хорижий инвестицияларни ўзлаштиришга ҳамда йиллик экспорт ҳажмини 2 баробар ошириб, 45 миллиард долларга олиб чиқиш, унда тайёр маҳсулотлар улушини 50 фоизга етказишга эришиши лозим.

Хорижий туристлар оқимини 5 йилда 15 миллион нафарга, туризм хизматлари экспортини 5 миллиард долларга олиб чиқиш учун барча имкониятлар борлигини таъкидлаш зарур.

Шу билан бирга, норасмий иқтисодиётни “соядан чиқариш”да рақамли технологияларни таянч воситага айлантириш лозим. Хусусан, келгуси йилда накд пулсиз ҳисоб-китобларни янада рағбатлантириб, онлайн тўловлар улушини 60 фоизга етказиш Ҳукумат ва Марказий банкнинг муҳим вазифаси бўлади.

Биз Жаҳон савдо ташкилоти билан ҳамкорлик доирасида асосий чора-тадбирларни амалга оширдик ва яқин йилларда ушбу ташкилотга албатта аъзо бўлиб киришимиз керак.

Иккинчидан, жорий йилда Сайхунобод, Уйчи, Зарбдор, Ғиждувон туманларида амалга оширилган ишларнинг ижобий натижалари асосида “Камбағалликдан фаровонлик сари” комплекс дастурини қабул қилдик.

Энди кўп қиррали ёндашувлар асосида камбағал оилаларнинг аъзоларига сифатли таълим бериш, уларни касбга ўқитиш, иш билан таъминлаш, соғлиғини яхшилаш, психологик ёрдам кўрсатиш бўйича кўмак бериш пакетлари индивидуал бўлади.

Ишни маҳаллабай ташкил қилиб, 2025 йилда 1 миллион аҳолини камбағалликдан чиқариш Вазирлар Маҳкамаси иқтисодий комплексининг асосий вазифаси этиб белгиланади.

Шу мақсадда камбағал оилаларга мансуб болалар мактабларда чет тили, касб-ҳунар ва IT бўйича бепул билим олиши учун 500 миллиард сўм ажратилади. Ижтимоий аҳволи оғир мингта маҳаллада инфратузилмани яхшилаш дастури амалга оширилади. Бунга 2 триллион сўм йўналтирилади. Камбағалликни қисқартириш ва аҳоли фаровонлигини оширишга жами 46,5 триллион сўм маблағ сарфланади.

Ҳукумат 2030 йилгача ишсизликни халқаро эътироф этилган даража – 5-6 фоиздан оширмаслик бўйича долзарб вазифаларни ҳам самарали ҳал этиши лозим.

Учинчидан, иқтисодиёт ва аҳоли даромадларини ўстиришда юқори қўшилган қиймат яратадиган саноат тармоқларига алоҳида аҳамият қаратиш керак.

Вазирлар Маҳкамасининг инвестиция комплекси келгуси йилда иқтисодиётимиз учун муҳим бўлган 300 дан зиёд йирик лойиҳани ишга тушириши ва тўлиқ қувватлар билан ишлашини таъминлаши зарур. Жумладан, “Ёшлик–I” конида биринчи босқичга, “Мурунтов” конида эса кейинги босқичларга старт берилади. Шунингдек, Самарқанд вилоятида йилига 910 минг тонна минерал ўғитлар ишлаб чиқарадиган комплекс, 600 минг тонна маҳсулот берадиган металлургия корхонаси, Зарафшонда каустик сода заводи, Нукусда иситиш тизимлари ишлаб чиқариш қувватлари фойдаланишга топширилади.

Юртимизда саноат кооперацияси ва маҳаллийлаштириш имкониятларини тўлиқ ишга солиш учун барча шароитлар мавжуд. Навоийда микро ГЭСларни барпо этиш бўйича барча босқичлар ўз ресурсларимиз асосида ташкил қилингани бунга ёрқин мисол бўла олади.

Шунинг учун саноат кооперацияси ва маҳаллийлаштириш бўйича катта дастур қабул қиламиз. Янги таркибдаги Ҳукумат яқин беш йилда чуқур қайта ишланган саноат маҳсулотлари улушини 32 фоизга етказишни асосий вазифа сифатида белгилаб олиши зарур.

Яна бир муҳим масала – иқтисодиётни энергия ресурслари билан ишончли таъминлаш ва энергия самарадорлигини 2 карра оширишга алоҳида эътибор қаратиш керак. Келгуси йили мамлакатимизда 90 миллиард киловатт-соат электр энергияси ишлаб чиқариб, аҳоли ва иқтисодиёт талабларини тўлиқ таъминлаш лозим. Бунда қайта тикланувчи энергия қувватлари 25 гигаваттга, уларнинг жами истеъмолдаги улуши 40 фоизга етказилади.

Тўртинчидан, келгуси беш йилда иқтисодиётда хусусий секторнинг улушини 85 фоизга етказиш ҳам асосий вазифалардан биридир.

Бу борада 2 мингта корхонада давлат улушини, 5 мингдан зиёд кўчмас мулк объектини сотиш, 16 та йирик мажмуа акцияларини 1РО га чиқариш талаб этилади. Ҳукумат 30 миллиард долларлик давлат хусусий шериклик лойиҳаларини амалга оширишни таъминлаши керак.

Вазирлар Маҳкамаси 2025 йилда “тежамкорлик ва барқарорлик” тамойили асосида давлат компанияларини трансформация қилишни тезлаштириб, уларнинг харажатларини 15-20 фоизга қисқартириши зарур. Бу борада 1 миллиард долларлик 18 та давлат компаниясининг улуши берилган Миллий инвестиция жамғармаси фаолиятини самарали йўлга қўйиш лозим.

Бешинчидан, аҳолимиз сони кўпайиб бораётган ҳозирги шароитда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш энг долзарб вазифа бўлиб қолади.

Бу борада қишлоқ хўжалигининг барча тармоқлари, аввало, мева-сабзавотчиликни интенсив ривожлантириш, янги уруғ навларини яратиб, импортни 50 фоизга қисқартириш бўйича дастурларимиз бор.

Ҳукумат бу дастурлар ижросини таъминлаб, қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришни 1,3 баробар ошириш, ҳар гектар ердан олинадиган ўртача даромадни 5 минг долларга етказиш, соҳада экспорт ҳажми 10 миллиард доллардан иборат бўлиши, сув тежайдиган технологиялар билан қамраб олинган ер майдонларини 2 карра ошириш бўйича ишларни самарали ташкил этиши зарур.

Янги йилда сув тежайдиган технологияларни жорий қилиш учун 5 триллион сўм, каналларни бетонлаш учун 800 миллиард сўм йўналтирилади.

Ҳурматли мажлис иштирокчилари!

Соғлиқни сақлаш, таълим ва спортни ривожлантириш бўйича катта дастурларни самарали ва тўлиқ амалга ошириш – ҳамиша Ҳукуматнинг кун тартибида туриши керак бўлган асосий вазифалардир.

Биринчидан, ўртача умр кўриш даражасини 78 ёшга етказиш учун бирламчи тиббий хизматларнинг аҳоли учун қулайлиги ва сифатини ошириш зарур. Хусусан, 2025 йилда бирламчи бўғинда 3 миллион 700 минг нафар аёлни скрининг текширувидан ўтказиш, бу жараённи рақамлаштириш орқали саратон касаллигини эрта аниқлаш кўрсаткичини ҳозирги 60 фоиздан 85 фоизга етказиш мумкин.

Ҳукумат маҳаллалардаги 18 мингта тиббиёт бригадаларини ўқитиш, 884 минг нафар беморни уй шароитида реабилитация билан қамраб олиш бўйича янги тизимни жорий этади. Шу билан бирга, туғуруқхоналарнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлашга 100 миллион доллар йўналтирилади.

Давлат тиббий суғуртаси ва аҳолига кафолатланган пакет асосида тиббий ёрдам кўрсатиш тизими келгуси уч йилда барча шаҳар, туман ва қишлоқларни қамраб олиши зарур. Шунингдек, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзи, тўғри овқатланиш, жисмоний тарбия ва спортни оммалаштириш каби масалалар бўйича Ҳукумат алоҳида дастурлар ишлаб чиқиши лозим.

Иккинчидан, таълим сифатини янада ошириш, ёшларимизни ҳар томонлама етук инсонлар этиб тарбиялашга қаратилган сиёсатимиз изчил давом эттирилади.

Келгуси йилларда боғчаларда қамровни 80 фоизга, олийгоҳларда эса камида 50 фоизга етказиш Ҳукумат учун асосий вазифа бўлиб қолади. Халқаро молия институтларининг 61 миллион доллар маблағлари ҳисобидан 2025 йилда 252 та янги боғча барпо этилади. Шунингдек, 174 та боғча ва 379 та мактаб таъмирланади ва янгитдан қурилади. Бу мақсадлар учун бюджетдан 4 триллион сўм ажратилади.

Тадбиркорларга мактаб қуриш учун 20 миллиард сўмгача имтиёзли кредит берилади. Бунда кредит ставкасининг 13,5 фоиздан ошган қисми бюджетдан қоплаб берилади.

Муҳтарам депутатлар!

Юқорида айтилган долзарб вазифаларни бажаришда янги Ҳукуматнинг Қонунчилик палатаси билан янада самарали ҳамкорлик олиб бориши муҳим аҳамиятга эга. Шу нуқтаи назардан, янги таркибдаги Вазирлар Маҳкамаси олдида турган устувор вазифаларга эътиборингизни қаратмоқчиман.

Авваламбор, ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятини одамларга янада яқинлаштириш лозим.

Шу ўринда барча раҳбар кадрлар фаолиятининг асосий мезони бўлган бош талабни яна бир бор эслатиб ўтмоқчиман. Яъни **халқ давлат идораларига эмас, аксинча, давлат ташкилотлари халққа, унинг қонуний манфаатларини таъминлашга хизмат қилиши зарур.**

Жорий йилда қонунлар ижросини доимий баҳолаб бориш бўйича янги тизимни йўлга қўйганимиздан кўзланган мақсад ҳам шундан иборат. Қонун қабул қилиндими, у албатта ишлаши керак ва одамлар ҳаётида сезиларли ўзгариш бўлиши лозим. Қонунлар ижроси Олий Мажлис палаталарининг тегишли қўмитаси ва масъул ижро этувчи орган билан биргаликда ўрганиб борилиши керак.

Яна бир муҳим масала. Ижро этувчи ҳокимият органлари қарорлар қабул қилишда қонунийликни, уларнинг асосланган бўлишини таъминлаши лозим.

Кейинги вақтда қонуности норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини жамоатчилик билан маслаҳат қилишда қонунларимизда белгиланган талабларга ҳамиша ҳам риоя этилмаяпти. Адлия вазирлиги бир ой муддатда бу масала бўйича таклифларни Қонунчилик палатасининг тегишли қўмитаси билан бирга муҳокама қилади ва Ҳукуматга киритади.

Ҳукуматнинг қонунчилик ташаббуси билан Қонунчилик палатасига киритилаётган қонун лойиҳалари сифатини ошириш ҳам долзарб масала бўлиб турибди.

Даврнинг ўткир талабларига жавоб берадиган, сифатли, амалиётда самарали ишлайдиган қонунларни қабул қилиш Олий Мажлиснинг энг муҳим вазифаси, керак бўлса, унинг обрўсидир. Бу борада таниқли хитой файласуфи Шан Яннинг **“Яхши қонун – халққа ҳурмат ифодасидир”**, деган сўзларини эслаш ўринли, деб ўйлайман.

Эътиборингизни **яна бир масалага** қаратмоқчиман. Ҳукумат, вазирлик ва идоралар, ҳудудлар раҳбарлари депутатлар томонидан жойларда аниқланган муаммоларни ҳал этишда қуйи палата қўмиталари билан тизимли ҳамкорликни йўлга қўйишлари лозим. Лекин ҳозирги вақтда турли соҳаларда назоратни таъминловчи давлат инспекцияларининг Қонунчилик палатаси қўмиталари билан ҳамкорлик тизими йўлга қўйилмаган.

Шу боис, уларнинг ҳисоботларини қўмиталарда муҳокама қилиб бориш бўйича янги, таъсирчан тизимни жорий этсак, ўйлайманки, парламент назорати самарадорлиги янада ошади.

Қолаверса, бу иш самарали бўлиши учун вазирлик ва идораларда раҳбар ўринбосарларини қуйи палата қўмиталари билан доимий ҳамкорлик учун масъул этиб бириктирсак, нима дейсизлар?

Албатта, бу биринчи раҳбарлар зиммасидан масъулиятни соқит қилмайди, палаталар билан ҳамкорлик учун сўров, авваламбор, улардан бўлади.

Умуман олганда, парламент ва Ҳукумат ўртасидаги муносабат қарама-қаршиликка эмас, конструктив мулоқотга асосланиши зарурлигини яна бир бор эслатиб ўтмоқчиман.

Шу билан бирга, **парламент назорати – бу, аввало, “халқ назорати, халқ сўрови”** эканини унутмаслик лозим. Афсуски, парламент сўрови, депутат сўровига юзаки ёндашиб, унга енгил-елпи муносабатда бўлиш ҳолатлари ҳам учраб турибди.

Бу борада барча раҳбарлар масъулият ва жавобгарликни тўлиқ ҳис этиши лозим. Ушбу масалага беписанд қарашга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Парламент ва депутат сўровларига жавоб аниқ ва мазмунли бўлиши, сўров кимга йўлланган бўлса, шахсан шу раҳбар томонидан жавоб берилиши шарт. Сўровларни юбориш ва қабул қилиш онлайн тизимга ўтаётгани бу борадаги муаммоларга ечим бўлишига ишонаман.

Қадрли дўстлар!

Мамлакатимизни ҳар томонлама ривожлантириш учун **самарали ташқи сиёсат олиб бориш, дўст ва ҳамкорларимиз доирасини кенгайтириш, яқин қўшниларимиз билан минтақавий ҳамкорликни чуқурлаштириш** ўта муҳим вазифадир.

Шу мақсадда, аввало, Ташқи сиёсат концепциясини янги таҳрирда қабул қилиш зарур, деб ҳисоблайман. Марказий Осиё давлатлари ўртасида яхши қўшничилик муносабатларини янада мустаҳкамлаш, минтақавий хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш ташқи сиёсатимизда устувор йўналиш бўлиб қолади.

Келгуси йили юртимизда бўлиб ўтадиган “Марказий Осиё бешлиги” учрашуви, ҳеч шубҳасиз, шу йўлдаги яна бир улкан амалий қадам бўлади. Ушбу анжуманда эркин савдо зонасини, бизнес ва инвестициявий фаоллик, илмий, технологик ва ишлаб чиқариш кооперацияси марказини яратиш каби масалаларга алоҳида эътибор қаратилиши ҳам шундай деб айтишга асос беради.

Ҳозирги вақтда фуқароларимиз Қирғизистонга ID-карта билан бемалол бориб келмоқдалар. Энди шундай тартибни Қозоғистон ва Тожикистон билан ҳам жорий этамиз.

Марказий Осиё мамлакатлари ҳамда бошқа етакчи ҳамкор давлатлар, нуфузли халқаро ва минтақавий ташкилотлар, молия институтлари билан самарали ва тизимли алоқаларни янада ривожлантириш доимо эътиборимиз марказида бўлади.

Фурсатдан фойдаланиб, бугунги йиғилишда иштирок этаётган дипломатик корпус ва халқаро ташкилотлар вакилларини самимий қутлаймиз.

Ислоҳотларимизни чин дилдан қўллаб-қувватлаб келаётганингиз, ҳудудларимизга чиқиб, янгиланиш ва ўзгаришлар билан яқиндан танишиб, ўз давлатларингиздаги тажрибаларни биз билан ўртоқлашаётганингиз учун сизларга ўз номимдан, халқимиз номидан миннатдорлик билдираман.

Муҳтарам ватандошлар!

Бугун бутун дунё ниҳоятда нотинч ва таҳликали вазиятда яшаётганини барчамиз кўриб, ҳис қилиб турибмиз. Мана шундай мураккаб даврда **давлатимизнинг мустақиллиги ва суверенитетини, халқимизнинг тинч ва эркин ҳаётини энг бебаҳо бойлик сифатида асраш ва ҳимоя қилиш** энг муҳим вазифамиз бўлиб қолади.

Ҳеч қачон унутмаслигимиз зарур: мамлакатимиз хавфсизлиги, юртимиз мудофааси нафақат Қуролли Кучлар ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари, балки Ўзбекистонни ўзи учун она Ватан деб биладиган, миллати, тили ва динидан қатъи назар, барча инсонларнинг муқаддас бурчидир. Бунинг учун ягона Ватан, кўп миллатли ягона аҳил оила туйғуси ҳар биримизнинг қалбимиз, юрагимиздан чуқур жой олиши лозим.

Дунёда турли хатар ва таҳдидлар авж олиб бораётган ҳозирги шароитда Қуролли Кучларимизнинг жанговар ва маънавий салоҳиятини оширишга эътиборни янада кучайтирамиз.

Ёшларимиз онгу тафаккурида миллий ғурур билан бирга умумбашарий қадриятларга ҳурмат ҳиссини камол топтириш мақсадида ёшларга оид давлат сиёсатини такомиллаштириш зарур. Фарзандларимизни замонавий билим ва дунёқараш, даромадли касб эгалари этиб тарбиялаш, уларни илм-фан, IT-технологиялар, маънавият, санъат ва адабиёт, спорт билан ошно этиш учун ҳеч нарсани аямасдан, бор куч ва имкониятларимизни сафарбар этамиз.

Бугун фақат мана шундай илғор ёшларга, мана шундай жонкуяр зиёлиларга, Ватан равнақи йўлида бирлашган халққа эга бўлган давлатгина ўз миллий манфаатларини таъминлашга эриша олади.

Шу муносабат билан яқинда Навоий вилоятида айтган фикримни такрорлашни зарур деб биламан.

Бизнинг иккита ўқ томиримиз, иккита таянч устунимиз бор: бири – иқтисодиёт, бири – маънавиятдир. Маънавий буюк халқ – иқтисодий томондан ҳам буюк бўлади.

Айни вақтда биз жамиятимиздаги очиқлик ва эркинлик муҳитини, миллатлар ва динлар ўртасидаги аҳиллик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш, сўз ва матбуот эркинлиги, виждон эркинлигини таъминлаш бўйича бошлаган ишларимизни давом эттирамиз.

Ҳурматли депутат ва сенаторлар, янги Ҳукумат, ҳоким ва вазирларимиз мана шу вазифаларнинг моҳиятини тўғри англаб, муҳтарам фахрийларимиз, маҳалла, хотин-қизлар, ёшлар ва касаба уюшмалари ташкилотлари, илмий ва ижодий зиёлиларимиз билан бир ёқадан бош чиқариб, фаол иш олиб борадилар, деб ишонаман.

Азиз юртдошлар!

Кўриб турганингиздек, олдимизда ғоят улкан марралар турибди. Янги Ўзбекистонимиз янги парламенти билан бирга ўз тараққиётининг ҳал қилувчи босқичига қадам қўймоқда.

Албатта, бу янги даврда энди эскича ишлаб бўлмайди. Шу боис, Ҳукумат ўз фаолиятини мутлақо янгича асосда ташкил этиши керак. Бунинг учун унга кучли раҳбар, яъни, Бош вазир зарурлигини барчамиз яхши тушунамиз.

Мен бу масала ҳақида атрофлича ўйлаб, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири лавозимига Абдулла Нигматович Арипов номзодини кўрсатишга қарор қилдим.

Бу раҳбарни барчангиз яхши танийсиз. Абдулла Арипов катта ташкилотчилик салоҳиятига эга бўлган, ижро ҳокимияти тизимида бой билим ва тажриба орттирган, масъулиятни доимо чуқур ҳис этадиган раҳбардир. У Янги Ўзбекистондаги ислоҳотларнинг маъно-мазмунини нафақат чуқур тушунади, балки уларни амалга оширишда чинакам жонбозлик кўрсатиб келаётган раҳбарларимиздан бири, десак, тўғри бўлади.

У киши билан анча йиллар давомида бирга ишлаб, шунга амин бўлдимки, давлат микёсидаги йирик дастур ва лойиҳаларни амалга оширишда доимо талабчанлик ва жонкуярлик билан ёндашади. Абдулла Арипов масъулиятни ўз зиммасига олишдан чўчимаслиги, аҳоли билан мулоқот учун ҳар доим очиқлиги, меҳнаткашлиги ва камтаринлиги билан халқимиз ўртасида обрў-эътибор қозонган.

Ушбу номзод бугун Ҳукумат олдига қўйилган, кўлами ва миқёси бениҳоя катта бўлган муҳим вазифаларни ҳал этишда Вазирлар Маҳкамаси фаолиятини самарали ташкил қилади, Ҳукумат аъзолари, вазирлик ва идоралар раҳбарларини бирлаштириб, ягона мақсад сари сафарбар эта олади, деб ишонаман.

Ҳозирги мураккаб даврда бу жуда муҳим. Шу боис, бугун ана шу номзодни сизларнинг муҳокамангизга тақдим этмоқдаман.

Сиз, ҳурматли депутатлар ва фракциялар раҳбарларидан ушбу номзод ҳамда бўлғуси Ҳукуматнинг келгуси беш йилга мўлжалланган Ҳаракатлар дастурини кўриб чиқиб, қўллаб-қувватлашингизни сўрайман.

* * *

Муҳтарам ватандошлар!

Энди, анъанамизга мувофиқ, келгуси йилда эътиборимиз марказида бўладиган энг устувор йўналиш бўйича маслаҳатлашиб олсак.

Бугун нафақат биз, балки дунёдаги кўплаб мамлакатлар иқлим ўзгаришларининг салбий оқибатларини яққол ҳис қилмоқда. Ҳаво ва сувнинг ифлосланиши, тупроқ эрозияси, чўлланиш, қазилма ёқилғиларни беҳисоб ишлатиш глобал исишга, табиий офатларнинг кўпайишига олиб келмоқда, атроф-муҳит ва аҳоли соғлиғига зарар етказмоқда.

Биз бу масаланинг оқибатларини олдиндан кўриб, мазкур йўналишда катта ишларни олиб боряпмиз. Бундан уч йил аввал бошланган “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси ҳозирги кунга келиб чинакам халқ ҳаракатига айланди. Ушбу дастур қатор ҳудудларда, жумладан, Оролбўйидаги экологик вазиятни яхшилашга хизмат қилмоқда.

Қўшни мамлакатлар билан биргаликда Минтақавий иқлим стратегиясини амалга оширишга киришдик. Пойтахтимизда Марказий Осиё атроф-муҳит ва иқлим ўзгаришларини ўрганиш университети ташкил этилди. Шунингдек, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан бу борада қабул қилинган иккита муҳим резолюциянинг ташаббускори бўлдик. Айни вақтда “яшил” энергетика иқтисодиётимиз драйверларидан бирига айланмоқда.

Биз янги йилга ном бериш масаласида эл-юртимизнинг фикр-мулоҳазалари, хоҳиш-истакларини атрофлича ўргандик. Билдирилган тавсиялардан келиб чиққан ҳолда, бошланган ишларимизни янги, янада юксак босқичга кўтариш мақсадида мен 2025 йилни юртимизда **“Атроф-муҳитни асраш ва “яшил иқтисодиёт” йили”** деб эълон қилишни таклиф этаман.

Биз табиат ҳақида сўз юритганда, кўпинча “она табиат” деган иборани ишлатамиз. Ўйлайманки, бу шунчаки чиройли, шоирона сўз эмас, балки унинг замирида чуқур ҳаётий ҳақиқат бор.

Биз мўътабар она зотини қандай юксак ҳурмат-эҳтиром қилсак, ўзимизни қуршаб турган табиатга ҳам шундай муносабатда бўлишимиз зарур.

Зеро, **табиатни асраш – инсонни асраш демакдир.**

Албатта, янги сайланган Бош вазиримиз раҳбарлигидаги ҳукумат йил номида белгиланган энг муҳим вазифалар бўйича давлат дастурини ишлаб чиқади. Ушбу дастурда “яшил” технологияларни жорий этиш, сувни тежаш, кўкаламзор ҳудудларни кескин кўпайтириш, Орол фожиасининг оқибатларини юмшатиш, чиқиндилар муаммосини ҳал қилиш, энг муҳими, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш каби масалалар устувор аҳамият касб этиши зарур.

Азиз ва муҳтарам ватандошлар!

Бугун сиз, азизлар билан, халқимиз билан юртимиз тараққиётидаги бутунлай янги даврга қадам қўймоқдамиз.

Ҳеч шубҳасиз, бу даврнинг қандай бўлиши биргаликда ўз олдимизга қўйган улкан мақсад ва вазифаларни самарали амалга оширишимизга боғлиқ.

Ишончим комил, бу – **Янги Ўзбекистонимиз жадал ривожланадиган, янада юксак тараққиёт чўққиларини забт этадиган давр** бўлади.

Бу давр парламент ва Ҳукумат фаолиятида янгича ишлаш, халқимизга садоқат билан хизмат қилиш бўйича ибратли анъаналар шаклланадиган ва тарихга муҳрланадиган давр бўлади.

Келажак авлодлар албатта фахр билан тилга оладиган ана шундай буюк тарих ва келажакни яратиш бизнинг ўз қўлимизда.

Кейинги уч кун мобайнида сиз, азизлар билан, кенг жамоатчилигимиз билан мамлакатимизнинг бугунги ва эртанги тараққиёти ҳақида атрофлича фикр алмашдик. 2024 йилда – “Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили”да бажарган ишларимизга якун ясадик.

Парламентимизда – “Халқ уйи”да депутатлар билан муҳокама қилинган барча ташаббус ва режаларни, уларда илгари сурилган ғоя, мақсад ва вазифаларни, моҳият эътиборига кўра, **Олий Мажлис ва халқимизга навбатдаги Мурожаатнома** десам, ўйлайманки, сизлар ҳам бу фикрга қўшиласиз.

Сиз, ҳурматли депутатлар ва Ҳукуматимиз аъзолари, каттаю кичик барча раҳбарлар мана шу Мурожаатномада белгилаб берилган улкан вазифаларни амалга оширишда фидойилик ва намуна кўрсатиб меҳнат қиласизлар, деб ишонаман.

Мана шундай шарафли мақсад йўлида барчангизга сиҳат-саломатлик, оилавий бахт-саодат, улкан ютуқ ва омадлар тилайман.

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНИМИЗ ЯНГИ ПАРЛАМЕНТИ БИЛАН БИРГА ЎЗ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ ҲАЛ ҚИЛУВЧИ БОСҚИЧИГА ҚАДАМ ҚЎЙМОҚДА

“Ўзбекистон – 2030” стратегиясида мамлакатимиз ялпи ички маҳсулоти ҳажмини 160 миллиард долларга етказиш мақсад қилиб қўйилган эди. Барча имкониятлар ишга солингани туфайли бу кўрсаткич жорий йилнинг ўзида 110 миллиард долларга етиши кутилмоқда.

Шундай суръат жадал давом эттирилса, 2030 йилга бориб, мамлакатимиз иқтисодиёти ҳажмини 200 миллиард долларга етказиш салоҳияти борлиги таъкидланди. Бу аҳолининг турмуш даражаси ва сифатини кескин яхшилашга асос бўлади.

Хусусан, аҳоли жон бошига даромадларни 5 минг доллардан ошириш, камбағаллик даражасини 5 фоизга тушириб, эҳтиёжманд аҳоли учун мустаҳкам ижтимоий суғурта тизимини жорий этиш, тиббиётга ажратилаётган маблағларни 2 баробар кўпайтириб, тиббий суғурта тизимига ўтиш ва кафолатланган тиббий хизматлар билан тўлиқ қамровни таъминлаш, йилига 150 минг квартирали янги замонавий уй-жойларни барпо этиш имконияти яратилади.

Давлатимиз раҳбари бу борадаги энг муҳим йўналишларга эътибор қаратди.

Биринчидан, макроиқтисодий мувозанатни сақлаб, келгуси беш йилда иқтисодий ўсиш суръатини 6-7 фоиз атрофида таъминлаш зарур. Бунда инфляция даражаси 5-6 фоиз, бюджет тақчиллиги 3 фоиз доирасида бўлишига эришиш, йиллик кредитлаш ҳажмини 30 миллиард долларга олиб чиқиш асосий вазифа бўлади.

Иккинчидан, 2025 йилда 1 миллион аҳолини камбағалликдан чиқариш Вазирлар Маҳкамаси иқтисодий комплексининг асосий вазифаси этиб белгиланади. Ҳукумат 2030 йилгача ишсизликни халқаро эътироф этилган даража – 5-6 фоиздан оширмаслик бўйича долзарб вазифаларни ҳам самарали ҳал этиши лозим.

Учинчидан, иқтисодиёт ва аҳоли даромадларини ўстиришда юқори қўшилган қиймат яратадиган саноат тармоқларига алоҳида аҳамият қаратиш керак. Вазирлар Маҳкамасининг инвестиция комплекси келгуси йилда иқтисодиётимиз учун муҳим бўлган 300 дан зиёд йирик лойиҳани ишга тушириши зарур. Иқтисодиётни энергия ресурслари билан ишончли таъминлаш ва энергия самарадорлигини 2 карра ошириш ҳам муҳим масала.

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)

Тўртинчидан, келгуси беш йилда иқтисодиётнинг хусусий сектордаги улушини 85 фоизга етказиш ҳам асосий вазифалардан биридир. Бу борада 2 мингта корхонада давлат улушини, 5 мингдан зиёд кўчмас мулк объектини сотиш, 16 та йирик мажмуа акцияларини IP0га чиқариш талаб этилади. Ҳукумат 30 миллиард долларлик хусусий шериклик лойиҳаларини амалга оширишни таъминлаши керак.

Бешинчидан, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш энг долзарб вазифа бўлиб қолади. Ҳукумат бу соҳадаги дастурлар ижросини таъминлаб, қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришни 1,3 баробар ошириш, ҳар гектар ердан олинадиган ўртача даромадни 5 минг долларга етказиши зарур.

Таълим сифатини ошириш, соғлиқни сақлаш ва спортни ривожлантириш, ижтимоий хизматларни яхшилаш вазифалари ҳам кўрсатиб ўтилди.

Президентимиз бу мақсадларга эришиш учун ҳукумат билан парламент ҳамкорлиги муҳим эканини таъкидлади.

Авваламбор, ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятини одамларга янада яқинлаштириш лозим. Қонунлар ижроси Олий Мажлис палаталарининг тегишли қўмитаси ва масъул ижро этувчи орган билан биргаликда ўрганиб борилиши керак.

Ҳукумат, вазирлик ва идоралар, ҳудудлар раҳбарлари депутатлар томонидан жойларда аниқланган муаммоларни ҳал этишда қуйи палата қўмиталари билан тизимли ҳамкорликни йўлга қўйишлари лозим. Шу боис, турли соҳаларда назоратни таъминловчи давлат инспекцияларнинг ҳисоботларини Қонунчилик палатаси қўмиталарида муҳокама қилиб бориш бўйича янги тизимни жорий этиш ташаббуси илгари сурилди.

Парламент назорати – бу, аввало, “халқ назорати, халқ сўрови” экани таъкидланди. Бу борада барча раҳбарлар масъулият ва жавобгарликни тўлиқ ҳис этиши лозимлиги кўрсатиб ўтилди.

Давлатимиз раҳбари халқаро ҳамкорлик доирасини кенгайтириш, яқин қўшнилар билан минтақавий ҳамкорликни чуқурлаштириш масалаларига ҳам алоҳида тўхталди. Шу мақсадда Ташқи сиёсат концепциясини янги таҳрирда қабул қилиш зарурлигини айтди.

Марказий Осиё мамлакатлари ҳамда бошқа етакчи ҳамкор давлатлар, нуфузли халқаро ва минтақавий ташкилотлар, молия институтлари билан самарали ва тизимли алоқаларни янада ривожлантириш доимо эътибор марказида бўлиши қайд этилди.

Ҳозирги таҳликали даврда давлатимизнинг мустақиллиги ва суверенитетини, халқимизнинг тинч ва эркин ҳаётини ҳимоя қилиш энг муҳим вазифа экани таъкидланди. Шу боис, Қуролли Кучларимизнинг жанговар ва маънавий салоҳиятини оширишга эътибор янада кучайтирилади. Ёшларни замонавий билим ва касб эгалари этиб тарбиялашга катта имкониятлар сафарбар этилади.

– Бугун фақат мана шундай илғор ёшларга, мана шундай жонкуяр зиёлиларга, Ватан равнақи йўлида бирлашган халққа эга бўлган давлатгина ўз миллий манфаатларини таъминлашга эриша олади, – деди мамлакатимиз етакчиси.

Президент Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Бош вазири лавозимига Абдулла Арипов номзодини тақдим этди.

А.Арипов Вазирлар Маҳкамасининг яқин муддатга ва узоқ истиқболга мўлжалланган Ҳаракат дастурини баён қилди.

Мазкур номзод ва дастур муҳокамаси юзасидан сиёсий партиялар фракция раҳбарлари ҳамда депутатлар ўз фикрларини билдирди.

Яширин овоз бериш натижасига кўра, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири лавозимига Абдулла Арипов номзоди маъқулланди. Бу бўйича Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг қарори қабул қилинди.

Мажлис якунида келгуси йилги устувор йўналиш ҳам муҳокама қилинди.

Шавкат Мирзиёев 2025 йилни юртимизда “Атроф-муҳитни асраш ва “яшил иқтисодиёт” йили” деб эълон қилишни таклиф этди. Бу борадаги муҳим вазифалар кўрсатиб ўтилди.

– Бугун халқимиз билан юртимиз тараққиётидаги бутунлай янги даврга қадам қўймоқдамиз. Ишончим комил, бу – Янги Ўзбекистонимиз жадал ривожланадиган, янада юксак тараққиёт чўққиларини забт этадиган давр бўлади. Бу давр парламент ва ҳукумат фаолиятида янгича ишлаш, халқимизга садоқат билан хизмат қилиш бўйича ибратли анъаналар шаклланадиган ва тарихга муҳрланадиган давр бўлади, – деди Президент сўзининг якунида.

ЎзА

Семинар

ТАЪЛИМ – КОРРУПЦИЯДАН ҲОЛИМИ?





Жорий йилнинг ноябрь ойи мамлакатимизнинг қатор вазирлик ва идораларида, жумладан, Ўзбекистон Республикаси мактабгача ва мактаб таълими вазирлигида Коррупцияга қарши курашиш ойлиги деб эълон қилинган. Ойлик доирасида вазирлик томонидан республика бўйлаб “Мактабгача ва мактаб таълими тизими ходимларида коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш, уларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини янада ошириш, коррупцияга қарши профилактик чора-тадбирларни ташкил этиш” мавзусида очиқ мулоқот ҳамда семинарлар ташкил этилмоқда.

Ана шундай мулоқотлардан бири Тошкент вилоятида бўлиб ўтди.

Тадбир аввалида иштирокчиларга коррупцион ҳолатларнинг аянчли якунлари тасвирланган видеоролик намойиш этилди. Шундан сўнг таълим муассасаларида коррупцион ҳолатларнинг олдини олиш, давлат харидларида очиқликни таъминлаш, “манфаатлар тўқнашуви”нинг салбий оқибатлари ҳақида тизим вакилларини огоҳлантириш бўйича вазифалар белгилаб берилди.

Мулоқот давомида коррупцияга қарши курашишга оид ҳужжатларнинг мазмун-моҳияти ва аҳамияти тушунтирилиб, бундай ҳолатлар бўйича хабар бериш учун вазирлик ва тизим ташкилотларининг алоқа тармоқлари таништирилди, тарғибот материаллари тақдим этилди.

Шунингдек, “Манфаатлар тўқнашуви тўғрисида”ги Қонун кучга киргунга қадар унда белгиланган талаб ва механизмларнинг амалиётга татбиқ этилиши билан боғлиқ масалалар ўрганилиб, ходимларга услубий тавсиялар берилди.

Тадбирда вилоят прокуратураси ҳамда Ички ишлар бошқармаси вакиллари томонидан таълим соҳасини шаффоф ва коррупциядан ҳоли тизимга айлантириш мақсадида ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш зарурлиги таъкидланди.

Меҳриддин ИБРАГИМОВ,
“Тошкент ҳақиқати”
мухбири

ЙЎЛ ҚОИДАСИ – УМР ФОЙДАСИ

Сир эмас, сўнгги вақтларда юртимизда йўл-транспорт ҳодисалари сони ортмоқда. Ачинарлиси, ҳайдовчиларнинг йўлда эътиборсиз бўлиши, шошқалоқлик қилиб тезликни меъёрдан ошириши ортидан бегуноҳ инсонларнинг умри хазон бўлмоқда.

Дарвоқе



Тўғри, ҳеч ким кўчага “Авария қиламан ёки одам уриб юбораман”, деб чиқмайди. Бироқ машина бошқаришда эътиборсизлик қилиш ёки қасддан қоидаларни бузиш оқибатда аянчли якунланади. А.С.нинг қисмати бунга мисол.

Жорий йил 24 март куни у ўзига тегишли “COBALT” русумли автомашинани тегишли ҳужжатлар асосида бошқариб, “Қорасув-Бўка-Бекобод” автомобиль йўли бўйлаб Бекобод тумани томон 70-80 км/соат тезликда ҳаракатланади. Йўлнинг 49-километрида А.С. йўл ҳаракати қоидаларига амал қилмасдан автомашинадаги йўловчилар билан суҳбатлашиб, бошқарувни назоратсиз қолдиради. Натижада йўлнинг ўнг томон чекка қисмида ҳаракатсиз тўхтаб турган, фуқаро М.А.га тегишли “Матиз” русумли автомашина ва уни ёнидаги пиёдалар М.А. ва Қ.Н.ларга бориб урилади.

Ачинарлиси, содир бўлган йўл-транспорт ҳодисаси оқибатида пиёдалар М.А. ва Қ.Н.лар олган оғир тан жароҳатлари туфайли ҳодиса жойида вафот этади.

Мазкур ҳолат юзасидан Бўка тумани ИИБ ҳузуридаги ТБ томонидан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 3-қисми “а” банди билан жиноят иши қўзғатилиб, Тошкент вилояти ИИББ ҳузуридаги Тергов бошқармаси томонидан тергов ҳаракатлари олиб борилди. А.С. ЖКнинг тегишли моддаларига биноан айбли деб топилиб, унга нисбатан 2 йил барча турдаги автотранспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан ва 6 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланди.

Машинани эътиборсизлик билан бошқарадиганларга айтар сўзимиз шу: ҳеч қачон инсон тақдири билан ўйнашманг. Ўзингиз ва бошқаларнинг ҳаётини хавф остига қўйманг. Кимнингдир қотилига айланиб, ота-онани фарзанд доғида куйдирманг. Болалар тирик етим бўлишига сабабчи бўлманг!

Исломжон МАЖИДОВ,
Тошкент вилояти ИИББ ҳузуридаги Тергов бошқармаси катта терговчиси, майор

Таҳлил

Мутахассисларнинг фикрича, миграция – агар жараён икки томонлама манфаатлар устига қурилса нафақат иқтисодий ўсишга туртки беради, балки мамлакатлар ўртасида кенг ҳамкорлик муносабатларини янада мустаҳкамлайди. Бу таклиф ортида меҳнат мигрантларининг ҳуқуқ-манфаатларини ишончли ҳимоялаш ҳам турибди. “Ишга юбордик, бўлди кетди”, деган сўзлар бугун эскирди. Аксинча, хорижда ишлаётганларнинг ҳуқуқ-манфаатларини ҳимоя қилиш баробарида қийинчиликка дуч келаётган мигрант ҳамюртларимизнинг оила аъзоларидан хабар олиш ҳамда кўмак кўрсатиш долзарб масалага айланмоқда. Таҳлилларга кўра, айни вақтда вилоятимизда жами 43 минг 118 нафар фуқаро хорижий давлатларга ишлаш учун кетган.

УЗОҚНИНГ буғдойидан... ЯҚИННИНГ сомони афзал



Жорий йил 17 октябрда давлатимиз раҳбари томонидан “Миграция жараёнларини бошқариш тизимини ислоҳ қилиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармон ҳамда “Хорижда меҳнат фаолиятини амалга ошириш жараёнларини тартибга солиш қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарор имзоланди. Мазкур ҳужжатлар асосида хорижда вақтинча ишлаш жараёнлари самарадорлигини ошириш, соҳада ягона вертикал бошқарув тизимини жорий этиш ҳамда масъул давлат органларининг аниқ вазифалари ва жавобгарлиги белгиланди. Шунингдек, чет мамлакатларда ташкиллаштирилган ҳолда меҳнат қилишнинг институционал асосларини мустаҳкамлаш, хорижда вақтинча ишлаш истагидаги юртдошларимиз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва уларга қулайлик яратиш бўйича аниқ вазифалар қайд этилди.

– Президентимиз фармони билан камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги ҳузуридаги Ташқи меҳнат миграцияси агентлиги фаолияти тугатилиб, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги миграция агентлиги ташкил этилгани катта имкониятлар эшигини очди, – дейди Миграция агентлиги вилоят филиали раҳбари Олим Сулаймонов. – Асосийси эндиликда хорижда ишлаш истагидаги фуқаро ҳеч бир қийинчиликсиз чет эллик иш берувчилар томонидан таклиф қилинаётган иш ўринлари ҳақидаги барча маълумотларни агентликнинг электрон платформаси, оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқлардан билиши мумкин. Агентликнинг электрон платформаси фуқароларга ўзининг резюмесини шакллантириш ва жойлаштириш ҳамда эълон қилинган иш ўринларини бўйича танловларда эркин иштирок этиш имкониятини яратади.

Касбга ўқитиш муассасалари агентлигимиз тасарруфига ўтказилган ҳолда улар негизида фуқароларни (ёшларни) чет тилларига ўқитиш ва хорижий давлатларда ишлашга мақсадли тайёрлаш марказининг филиаллари ташкил қилинади. Жумладан, Ангрен шаҳар қурилиш соҳасида малакали мутахассисларни тайёрлаш марказига вақтинча меҳнат фаолиятини хорижда амалга ошириш истагида бўлган фуқаролар ва банд бўлмаган аҳолини ўқитиш бириктирилди. Ушбу муассасада 2025/2026 ўқув йилидан бошлаб халқаро таълим дастурлари асосида ўқув курслари ташкил этилади ҳамда битирувчиларга хорижий иш берувчилар томонидан тан олинадиган малака сертификати берилади. Шунингдек, халқаро сертификатлаш тизимлари талабларига жавоб берадиган малакани баҳолаш марказлари ташкил этилади. Вақтинча меҳнат қилиш учун хорижга чиқиб кетаётган фуқароларнинг шахсий масъулиятини ошириш мақсадида 2025 йил 1 январдан бошлаб, уларнинг хорижидаги қонуний меҳнат фаолияти давлат томонидан рағбатлантирилади. Юртга қайтишганида эса, ўз бизнесини бошлаши учун ер участкалари ва давлат мулки объектлари ижарага берилади, кредитлар ажратилади, уй-жой ипотекаси тақдим этилади ва уларнинг бандлиги таъминланади.

Яна бир янгилик: йил бошидан Европа давлатларидаги 13 та йирик иш берувчи ва рекрутинг агентликлари билан музокаралар олиб борилиб, ҳамкорликни йўлга қўйиш мақсадида агентликка таклифлар киритилган эди. Шу пайтгача уларнинг 5 таси билан шартнома тузилди. Филиал томонидан хорижга вақтинчалик меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун кетаётган фуқароларни қўллаб-қувватлаш мақсадида 1 минг 332 нафар фуқаронинг ҳаёти ва соғлиғи субсидия ҳисобидан суғурта қилинди. 183 нафар фуқарога келгусида иш ҳақидан ушлаб қолиш шарти билан иш берувчи томонидан микроқарз берилди.

– Жорий йилда хорижий давлатларнинг 10 та иш берувчи ва рекрутинг ташкилотлари томонидан 30 маротаба танлов ўтказилди, – дейди Ангрен шаҳар қурилиш соҳасида малакали мутахассисларни тайёрлаш маркази раҳбари Абдурашид Эргашев. – Уларда 290 нафар фуқаро қатнашиб, 127 нафари танлаб ишга олинди. Марказда тингловчилар учун қулай шарт-шароитлар яратилган. Хусусан, бепул иссиқ овқат, ётохона, махсус кийим-кечак, шунингдек, бандлик ва камбағалликни қисқартириш бўлимлари томонидан жорий этилган стипендия берилади.

Таҳлилларга кўра, шу пайтгача вилоятдошларимиз асосан МДҲ давлатларига борган бўлса, эндиликда Эстония, Буюк Британия, Германия, Корея, Туркия, Болгария, Латвия, Литва, Словакия, Словения, Руминия ва араб мамлакатларига ҳам ишга боришмоқда.

Хабарингиз бўлса, ўтган ойда вилоят ҳокими Зойир Мирзаев меҳнат мигрантлари билан навбатдаги онлайн мулоқот ўтказди. Унда вилоятдаги ташкилот ва бошқарма бошлиқлари, ҳудудий студиялардан шаҳар ва туман ҳокимлари, сектор раҳбарлари қатнашишди. Мулоқот давлатимиз раҳбарининг вилоятимизга ташрифи давомида меҳнат мигрантлари билан ишлаш бўйича берилган топшириқ ва вазифалар ижроси доирасида ўтказилди. Таъкидлаш жоизки, бугунги кунда вилоятда миграцияда юрган фуқаролар тўлиқ хатловдан ўтказилди, уларнинг ҳар бири билан шахсан ҳокимлар мулоқот қилиб, шарт-шароити, орзу-истаклари ва келгуси режа-мақсадлари ўрганилди. Мулоқотда 106 нафар мигрант билан суҳбатлашилди. Асосийси, нисбатан кам маошга хорижда ишлаб юрган 20 дан ортиқ мигрантларга ўзимизда яхши иш таклиф қилинди. Улар тез орада Ўзбекистонга қайтиб, шу ерда меҳнат қиладиган бўлди.

Шунингдек, бугунги кунда хорижий мамлакатларга турли мақсадларда чиқиб кетган 710 нафар мигрантлар билан 16 та туман ва шаҳар сектор раҳбарлари онлайн мулоқотлар ўтказишди. Маълумотларга кўра, уларнинг 347 нафари Россияда,118 нафари Туркияда, 64 нафардан Қозоғистон ва Жанубий Кореяда, 8 нафари Польша ва Америка Қўшма Штатларида, 7 нафари Хитойда, 4 нафари Бирлашган Араб Амирликларида, 1 нафардан Англия, Сербия, Италия, Камбоджа, Латвия, Сингапур, Украина, Чехия ва Японияда. Шулардан қайтиш истагида бўлган 26 нафари ўз яшаш манзилига яқин бўлган ҳудуддан доимий иш билан таъминланиши ва муқим даромадга эга бўлиши бўйича мурожаат қилган.

Эътиборлиси, мулоқотда иштирок этган 437 нафар мигрант 2024 йил якуни ва 2025 йилнинг биринчи чорагида ортга қайтиш истагини билдирган. Шу кунгача уларнинг 23 нафари яшаш манзилларига қайтиб келган.

Жумладан, Чирчиқ шаҳар ҳокимлиги томонидан бир оиланинг йўл ҳаражатлари учун 30 млн. сўм маблағ ҳам ажратилди. Бекобод шаҳар ҳокимлиги томонидан қайтиб келган 10 нафар фуқаро ойлик маоши 5 млн. сўмгача бўлган ишга жойлаштирилди.

Юқори Чирчиқ туманининг “Ободон” маҳалласида яшовчи Иззат Казаков қарийб 1,5 йилдан буён Россия Федерациясида ишлайди. Туман ҳокими Ускенбай Атемов бошчилигида ўтказилган мулоқотда 20 нафардан зиёд ёшнинг муаммолари ўрганилди ва қайтиш истаги борларга амалий кўмак берилиши айтилди. Мулоқотдан сўнг Иззат Казаков шу ойнинг охирида уйга қайтишини маълум қилди.

– Бугунги кунда турли мақсадларда хорижда юрган 7 минг 691 нафар туманимиз фуқароларининг бандлиги билан боғлиқ масалаларга аниқлик киритилмоқда, – дейди Ёшлар ишлари агентлиги туман раҳбари Сабит Дуйсенов. – Улар Ўзбекистонга қайтишса муносиб иш билан таъминланишлари тушунтирилмоқда. Шунингдек, ишлаш мақсадида чет давлатларга кетган 2 минг 373 нафар фуқаронинг даромади ўрганилди. Нисбатан кам даромад топаётган мигрантлар билан маҳаллалар кесимида “хонадонбай” иш олиб борилиб, ҳудуддаги бўш иш ўринлари ва юқори ойлик маош тўланадиган корхоналар таклифи берилмоқда.

Айни пайтда хорижий давлатларда кам даромадли ишда меҳнат қилаётган вилоятдошларимизнинг 25 минг 654 нафарини Ватанга қайтариш ва уларни муносиб ишга жойлаштириш асосий вазифа этиб белгиланган. Бунинг учун вилоят ҳокимининг вертуал офиси ташкил этилган бўлиб, хорижий давлатда ишлаб, тажриба орттириб қайтган фуқароларни тадбиркорликка жалб қилиш, субсидия бериш орқали уларни қўллаб-қувватлаш мақсад қилинган. Бундан ташқари, Савдо-саноат палатаси ҳамкорлигида тадбиркорлик асослари курсларига жалб қилган ҳолда микрокредитлар ажратиш йўлга қўйилган. Хориждан қайтган фуқароларни ишга қабул қилган ташкилотларни рағбатлантириш мақсадида бир йил давомида ҳар ой субсидия ажратиш механизми жорий қилинди.

Мухтасар айтганда, эндиликда хорижда ишлашни мақсад қилганлар учун қонун доирасида кенг имкониятлар яратилган. Аммо эскилардан қолган бир гап бор: “Узоқнинг буғдойидан яқиннинг сомони афзал”. Аслида вилоятимизда ҳам бўш иш ўринлари кўп. Анчайин юқори маошли ўринлар ҳали ҳануз эгасини кутмоқда. Сабаби ўз ишининг устаси, етук мутахассислар керак.

Нигора ЎРОЛОВА,
“Тошкент ҳақиқати” мухбири

Қибрай тумани: БИРДАМЛИК БИЛАН ЯНГИ МАРРАЛАР САРИ



Жалолиддин ЭСОНОВ олган суратлар

Сир эмас, Қибрай кўп йиллар давомида қишлоқ хўжалиги, паррандачилик ва чорва маҳсулотлари етиштиришга ихтисослашган ҳудуд бўлиб келган. Инфратузилмадаги кўплаб ўзгаришлар мазкур соҳага ҳам ўз таъсирини ўтказмай қолмади. Бинобарин, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришнинг ўсиш суръатлари 104,3 фоизга етди. Соҳани ривожлантириш, қолаверса, тадбиркорликка кенг йўл очиш борасида изланишларимиз давом этмоқда.

Бугунги кунда туманимиздан 4 мингдан ортиқ ташқи миграцияда юрган фуқароларнинг 896 нафари Ватанга қайтди. Йил якунига кўра, қайтиб келиши кутилаётган 1 минг 224 нафар мингрантнинг ҳар бири билан алоҳида суҳбатлар ўтказиб, юқори даромадли иш ўринлари билан таъминлаш ниятидамиз. Қолаверса, бу масала давлатимиз сиёсати даражасидаги энг долзарб вазифалардан бири эканини чуқур англаймиз.

Йилнинг тўртинчи чорагида манзилли чора-тадбирлар асосида камбағалликка тушиш хавфи бўлган 944 нафар аҳоли даромадини ошириш, 295 та камбағал оилани қўллаб-қувватлаш ҳисобига туманда камбағаллик даражаси 6,3 фоиздан 3,9 фоизга туширилади. 10 минг 993 нафар аҳоли бандлиги таъминланиб, 1 минг 479 нафар ишсиз фуқаро доимий ишга жойлаштирилади.

Президентимизнинг ўтган ойда вилоятимизга ташрифлари чоғида келаси – 2025 йил дастури аниқ рақамлар ва муддатлар билан белгилаб берилди. Олдимизда турган 5 йиллик вазифалар эса масъуллар ва йўналишлар кесимида кўрсатилди. 2024 йил давомида ҳар бир шаҳар ва туман мутасаддилари ва масъуллари зиммасига камида 50 млн. доллар миқдорида тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар киритиш вазифаси қўйилди.

Президентимиз ташрифлари доирасида туманимизни иқтисодий-ижтимоий ривожлантириш юзасидан Вазирлар Маҳкамасининг қарори қабул қилингани туманимиз ҳаётида ўзига хос тарихий воқеа бўлди.

Бу қарорнинг тўлатўкис ижроси билан аҳолимизнинг ҳаёт фаровонлигини оширишнинг янги-янги имкониятлари юзага келади.

ҚЎШИМЧА ҚИЙМАТ – ҚЎШИМЧА ИМКОНИЯТ

Туманда кейинги беш йилда умумий қиймати 830 млн. долларлик 250 дан ортиқ катта-кичик инвестиция лойиҳалари амалга оширилади ва улар ҳисобига 12,5 мингта янги иш ўринлари яратилади.



Шу ҳисобдан **200 млн. долларлик йирик “Туризм хизматини ташкил этиш” ҳамда лойиҳа қиймати 150 млн. доллар бўлган “Чиқиндилардан электр энергияси ишлаб чиқариш” лойиҳалари** амалга оширилади.

Шунингдек, “Туркистон”, “Жомий”, “Шарқ” ва “Май” маҳаллаларида саноат зоналари ривожлантирилади. Бу ўринда маҳаллий шароитлардан келиб чиқиб озиқ-овқат саноати йўналишларига устуворлик берилади.

2025 йилда тумандаги инвестиция дастурлари ижроси натижасида экспорт миқдори бугунги кундаги 51 млн. доллардан, 56 млн. долларга оширилади.

Аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабини тўлиқ қондириш ва экспорт ҳажмини ошириш мақсадида, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришни кўпайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Мавжуд 185 гектар самарасиз, эскирган боғ ва токзорлар ўрнида янги интенсив боғ ва токзорлар барпо этиш ҳисобига қўшимча 3 минг тонна мева етиштиришга эришилади. Бунда асосий эътибор иқтисодий суғориш усулларига қаратилади.

Бундан ташқари, 2025 йилда лойиҳа қиймати 30 млн. доллар бўлган 4 та 12 минг тонна сиғимга эга бўлган қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш ва саралашни ташкил этиш лойиҳалари ҳам амалга оширилади. Бунинг натижасида йилига 35 млн. доллар миқдоридаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини экспорт қилиш имконияти яратилади. 2026-2027 йилларда “Туркистон” маҳалласида жойлашган “Нажимов” пости ёнида лойиҳа қиймати 55 млн. долларлик битта логистика маркази қурилади.

Яна бир муҳим масала – “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида туманнинг 68 та маҳалласида умумий ер майдони 1 гектардан кам бўлмаган “яшил белбоғ”лар ташкил қилинади.





Мавжуд йўллар таъмирланади, 6 километр пиёдалар йўлаклари қурилиб, аҳолига қулайликлар яратилади.

Дарвоқе, аҳолимизнинг 82,1 фоизи тоза ичимлик суви билан таъминланган. Осиё тараққиёт банки маблағлари ҳисобидан лойиҳа қиймати 28 млн. доллар бўлган 9 та сув тақсимлаш иншоотлари, 6 та сув резервуарларини таъмирлаш, 6 та янги манба қуриш ҳамда 164,8 км. сув тармоғини тиклаш ва реконструкция қилиш белгиланган.

Мазкур лойиҳа **2025 йилнинг 1-ярмига қадар тугатилиши режалаштирилган бўлиб, қурилиш ишлари тўлиқ якунлангандан сўнг туманимиз аҳлининг 94 фоизи тоза ичимлик суви билан таъминланади.**

Бундан ташқари, аҳолининг электр энергиясига кундан-кунга ошиб бораётган эҳтиёжини таъминлашга 49,5 млрд. сўм маблағ сарфлаш режалаштирилган бўлиб, 266,1 км. электр узатиш тармоғи ва 64 дона трансформатор пунктлари реконструкция қилинади.

Шу билан бирга, газ таъминотини яхшилашга ва тежамкор технологияни қўллашга 31,5 млрд. сўм маблағ ажратилиши режалаштирилган.

ГУЛЧИЛИК – ГУЛДАЙ ҲУНАР

Умуман олганда, туманимизда хизмат кўрсатиш, паррандачилик тармоқлари қаторида гулчилик ҳам алоҳида етакчи соҳалардан ҳисобланади. “Аҳиллик”, “Ойбек”, “Бобур”, “Ифтихор”, “Шодлик”, “Зебунисо”, “Беруний”, “Гулистон”, “Янги Арғин” маҳаллаларимизда 900 дан ортиқ хонадонда истиқомат қилувчи 2 минг нафардан зиёд аҳоли хизмат кўрсатиш билан банд бўлса, “Бирлик”, “Дўрмон”, “Пўлат қадам”, “Ёнариқ”, “Янги ҳаёт”, “Маданият, “Обод” ва “Ҳосилдор” маҳаллаларидаги 400 дан ортиқ хонадон эгалари эса гулчилик билан шуғулланишади.

Билган киши учун гулчилик ғоят сердаромад соҳадир. Мисол учун, “Ҳосилдор” маҳалласининг Ёшлик кўчаси 64-уйда яшовчи Иброҳим Зокиров ўз хонадонидаги 1,5 сотих ер майдонида иссиқхона ташкил этган. Хонадон эгалари шу кичик ерда “Астрамерия” гул навини етиштириб келишмоқда. Бу фойдали иш туфайли, аввало, оиладаги икки нафар ишсиз аъзонинг бандлиги таъминланган эътиборли. Қарангки, 1 сотих ерга ўртача 300 дона гул кўчати экилади. Кўчатлар 5 ойда тайёр бўлади. Бугунги кунда ҳар бир гулнинг бозордаги ўртача нархи 40-50 минг сўм туради. Демак, бозорни яхши ўрганган, ҳисобини билган томорқачи 1 сотих ердан 300 дона гул узиб, ўртача 10-12 млн. сўм қўшимча даромад топади. Йилига 2 маротаба ҳосил олинишини ҳисобга олсак, оиланинг фойдаси, табийки, икки карра кўпаяди.

Туманда бу сердаромад тармоқни янада ривожлантириш мақсадида 48 гектар ер майдонида ўзига хос гулчилик кластерлари юзага келяпти. Эндиликда “Нур Фаррух” фермер хўжалиги томонидан 14 гектар, “Азизжон” фермер хўжалиги томонидан 10 гектар, “Байтқўрғон – Усмонова Наргиза” фермер хўжалиги томонидан 24 гектар ер майдонида гулчилик билан кластер усулида шуғулланилади.

НАЖОТ – ТАЪЛИМДА, ТАРБИЯДА

Туманимизда энг долзарб масалалардан яна бири, афсуски, мактабгача ёшдаги болаларнинг таълим-тарбия муассасаларига етарли даражада қамраб олинмаганидир. Бу кўрсаткич бугунги кунда 76 фоизни ташкил этмоқда.

Шу боис, заруриятдан келиб чиқиб, 2025 йил якунига қадар 10 та оилавий нодавлат, 3 та хусусий нодавлат ва 1 та давлат мактабгача таълим ташкилоти қурилиши белгиланди.

Шунингдек, ўтган асрнинг 61-йилида қурилган 35-давлат мактабгача таълим ташкилотининг “Менинг боғчам” лойиҳасида ғолиб бўлиб, қўшимча қуввати барпо этилиши ҳисобига кичкинтойларимизнинг мактабгача таълимга қамрови даражасини бемалол 80 фоизга чиқариб оламиз.

Мактаблардаги таълим сифатини тубдан ошириш, ўсиб бораётган аҳоли сонига мутаносиб шароитлар яратиш бугунги замоннинг ўткир талабидир.

Шу мақсадда 4 та мактабимиз Осиё тараққиёт банки томонидан давлат хусусий шерикчилик асосида янгидан қурилади. 12 та мактаб реконструкция қилинади ва 6 та мактаб мукаммал таъмирланади. Бунинг натижасида, 2025 йилда 2 минг 180 та, 2026 йилда эса 3 минг 290 та ўқувчи ўрни яратилади.

Давлатимиз раҳбари кўп бора таъкидлаганларидек, янги мактаблар қуриш осон, лекин уларга таълим ва тарбия мазмунини олиб кириш ниҳоятда мураккаб. Бу борада туманимиз таълим фидойилари билан мунтазам мулоқотлар асносида таълим сифатини ошириш, уни янгича мазмун билан бойитиб бориш фаолиятимизнинг энг муҳим йўналиши бўлиб қолади.

Шунингдек, ёшларни иш билан таъминлаш, уларнинг ўз иқтидорларини намоён этишларига шароит яратиб бериш борасида ҳам алоҳида режаларимиз мавжуд.

2025 йилда 1 минг 420 нафар мактаб, 520 нафар профессионал таълим, 450 нафар олий таълим муассасалари битирувчиларининг бандлигини таъминлаш диққат-эътиборимизда бўлади.

Ёшларимиз учун яна бир янгилик – “Соҳибкор” маҳалласида замонавий “Ёшлар сайилгоҳи” барпо этилади.

САЛОМАТЛИК УЧУН САРМОЯЛАР

Албатта, соғлом халқ, соғлом миллат, соғлом авлод билан эзгу орзу-умидларимиз рўёбига етамиз. Бу борада тиббиёт соҳасига эътибор ва ғамхўрлик ҳамиша кун тартибидадир.

Асосий вазифа: тиббиётнинг қуйи бўғинларини янги, замонавий даражага кўтариш орқали касалликларни эрта аниқлаб, олдини олишга қаратилгани кундай равшан. Шундан келиб чиқиб, соҳага қўшимча 5 млрд. сўм йўналтирилмоқда. Бунинг ҳисобидан 3 та касалхонани таъмирлаш, эҳтиёжга кўра муассасаларни қўшимча жиҳозлаш имкони юзага келмоқда.

Бундан ташқари, 2 та оилавий шифокорлик пункти ва 1 та оилавий поликлиника ҳам таъмирланади. 5 нафар врачимизни хорижда малака оширишга юбориш ҳам режамизда бор.

Албатта, барча саъй-ҳаракатларимиз фаровонлик сари бошловчи хайрли ва эзгу мақсадлар рўёбига хизмат қилади. Бу вазифаларнинг барчасини эртанги куннинг ёруғ умиди билан яшаётган туманимизнинг меҳнаткаш ва омилкор аҳли билан қўлни қўлга бериб, бирдамликда, баҳамжиҳатликда амалга оширамиз.

Музаффар РАШИДОВ,
Қибрай тумани ҳокими

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)

TOSHKENT HAQIQATI
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Muassis:
TOSHKENT VILOYATI HOKIMLIGI

“Toshkent haqiqati” va “Tashkentskaya pravda” gazetalari tahrir hay’ati:

Zoyir MIRZAYEV
(tahrir hay’ati raisi)
Abdusamad NOSIROV
Ummat MIRZAQULOV
Hotamjon SAYDAHMEDOV
G‘afurjon MUHAMEDOV
Sayyora FAYZIYEVA
Tohir ARIPOV
Mahmud TOIR
Uskenboy ATEMOV
Abdulla XURSANOV
Kumush EGAMBERDIYEVA
Behzod QOBULOV
G‘ulomjon SAMADOV
Zarifa ERALIYEVA
Sergey MUTIN

Bosh muharrir:
G‘ayrat SHERALIYEV

Qabulxona:
(55) 520-64-95
Bosh muharrir o'rinbosari:
(55) 520-04-10
Mas’ul kotib:
(55) 520-05-10
Bo‘lim muharrirlari:
(55) 520-06-20, (55) 520-04-20
E'lonlar va hisob-kitob bo‘limi:
(55) 520-21-20
e-mail: toshkenthaqiqati@umail.uz

Mas’ul kotib:
Alloma AZIZOVA
Navbatchi:
Nozima RASULOVA

Bosishga topshirish vaqti - 21:00.
Bosishga topshirildi - 19:00
Nashr ko‘rsatkichi - 205.
Buyurtma G-1135.
2 845 nusxada chop etildi.
Hajmi - 2 taboq. Ofset usulida bosildi. Qog‘oz bichimi A–2.
Bahosi kelishilgan narxda.

Toshkent viloyati Axborot va ommaviy kommunikatsiyalar boshqarmasida 2011-yil 12-yanvarda 03-001 raqami bilan ro‘yxatga olingan.

Manzil:
111500, Nurafshon shahri, Toshkent yo‘li ko‘chasi, 90.
Toshkent shahridagi ofisimiz: Bektemir tumani, Ittifoq ko‘chasi, 2.
ISSN 2010-9318.

Gazeta «Toshkent haqiqati» tahririyati kompyuter markazida terildi va Tohir Mahmudxo‘jayev tomonidan sahifalandi.

Haftaning chorshanba va shanba kunlari chiqadi.

«SHARQ» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida bosildi.
Korxona manzili:
Toshkent shahri, Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

123456